

2- *sho'ba*

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ЙЎНАЛМА ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИ
ТИПОЛОГИЯСИ

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович
СамДЧТИ профессори

Аннотация. Ушбу мақола инглиз ва ўзбек тилларидаги чегараланган (йўналишли) ҳаракат феълларининг аспектual семантикасини қиёсий таҳлил қилишга бағишланган. Муаллифлар таҳлилда инглиз тилидаги *to come, to leave, to reach* каби феъллар билан ўзбек тилидаги *келмоқ, кетмоқ, етмоқ* каби феълларнинг семантик хусусиятларини солиштириш орқали аспектualликнинг шаклланиши ва контекстual боғлиқлигини ўрганади. Аспектual маъноларнинг юзага келиши замон шакллари, кўмакчи феъллар, локатив предлоглар ва равишлар орқали намоён бўлиши, шунингдек, иккала тилдаги феълларнинг чегараланганлик, терминативлик ва итеративлик каби семантик белгиларини таҳлил қилишга эътибор қаратилган. Тадқиқотда А.В.Бондарко, Д.М.Насилов, С.И.Жолобовларнинг ишларига таянган ҳолда, тилларaro солиштириш усуллари ва функционал-семантик майдонлар назарияси қўлланилган. Мақолада инглиз ва ўзбек тилларининг акционал ва аспектual тузилмаларининг ўзарo муносабатлари, шу жумладан чегараланган ҳаракат феълларининг семантикаси, уларнинг грамматик ва контекстual ифодаланиши муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: қиёсий таҳлил, йўналишли ҳаракат феъллари, аспектual семантика, инглиз ва ўзбек тиллари, грамматик категориялар, семантик майдонлар, феъл тузилмаси, аспект шаклланиши, Бондарко, Насилов, Жолобов.

Қиёсий текширишда, қиёс учун асос қилиб олинган материал ҳам аҳамиятлидир (Қиличев, 1990; 68). Словян тилларидаги тус категориясидан андоза олиб, қиёсланаётган тилга асос қилиш етарли самара бермаслигини А.В.Бондарко ҳам айтиб, бу борадаги тадқиқотлар функционал-семантик майдонда олиб борилишини таъкидлаб, шундай ёзади: «функционал- семантик категорияни типологик тадқиқотларда қўлланиши мумкин. Шундай қилиб, аспектualлик тушунчаси, тус грамматик категориясининг априор констатациясига қараганда ёки словян тилларидаги феълнинг тус категориясига ўхшаш (Бондарко, 1971: 12-13), баъзан асосланмаган бошқа турдаги ўхшаш фактларни келтириш, жумладан ҳаракат тарзи, ёки феълларнинг акционал хусусиятини белгилаш ва таснифлаш тус категориясига нисбатан тиллар аро чоғиштиришга ишонарли асос бўла олиши мумкин.

Юқорида кўриб чиқилганидек, инглиз тилидаги номаълум йўналиш ҳаракат феълларига *to come, to start off, to leave, to dash off, to rush, to advance, to set off, to reach, to get, to enter, to visit, to return, to cross, to arrive, to depart, to pass, to climb* ва б.к. феълларини киритиш мумкин. Ўзбек тилида эса бу турдаги ҳаракат феъллари *қайтмоқ, келмоқ, кетмоқ, тушмоқ, отланмоқ, чиқмоқ, кирмоқ, ўтмоқ, жўнамоқ, етмоқ* феъллари ва *йўл олмоқ, йўлга тушмоқ* кўшма феъллари ташкил қилади. Иккала тилда келтирилган феълларнинг чегараланган (бош, якуний, якуний нуқтага интилган) семантикаси мавжуд. Жумладан инглиз тилидаги *to start off, to leave, to dash off, to advance, to set off, to depart* феъллари ва ўзбек тилидаги *кетмоқ, жўнамоқ, йўл олмоқ, йўлга тушмоқ* феълларида ҳаракатнинг бошланиш маъносини ифодаладиган чегараланганлик семантикаси мавжуд бўлса, ҳаракатнинг якуний тугалланиш нуқтаси ёки якуний нуқтага интилганлик семалари инглиз тилидаги *to come, to reach, to get, to enter, to visit, to return* феъллари ва ўзбек тилида *келмоқ, қайтмоқ, кирмоқ, бормоқ, етмоқ*, феъллари билан ифодаланиши мумкин. Инглиз тилида ҳам ўзбек тилида ҳам чегараланган йўналма ҳаракат феълларининг аспектual маънолари замон шакллари билан боғлиқ. Инглиз тилидаги аниқ йўналма ҳаракат феъллари ўтган ноаниқ ва перфект шаклларида натижавийликни ифодаласа,

давомли замон шаклида якуний нуқтага интилган давомли аспектвал семантикани ифодаланиши мумкин. Ўзбек тилида ҳам яқин ўтган замонида чегараланган йўналма ҳаракат феъллари тугалланган семантикани билдириб келади. Узоқ ўтган замон шаклида натижавийликни билдиради. Инглиз тилида йўналма ҳаракат феълларининг аспектвал маъноларининг ҳосил бўлиши контекст конкретизаторлари бўлган предлог, равиш ва ўрин-пайт ҳолларига боғлиқ бўлса, ўзбек тилида кўмакчи феълларга ва равишларнинг таъсири катта. Инглиз тилидаги маълум йўналма юриш-ҳаракат феълларининг семантикасини таҳлил қилган С.И.Жолобов «ориентир йўналишидаги силжиш», «ориентирдан бирор йўналишда силжиш», «ориентирдан нарига силжиш» локатив семалар билан ўзаро муносабатда (Жолобов, 1984; 9) бўлиши ҳақида ёзади. Бу локатив семалар йўналиш кўрсаткичи бўлиши билан бир вақтда феълларда аспект хусусиятларини ҳосил қилишига ҳам ёрдам беради. Локатив семалар *in, into, out, up* предлоглари билан келган чегараланган ҳаракат феълларига тугалланганлик маъносини беради. Чегараланган ҳаракат феъллари *along* предлогли ўрин-жойни кўрсатувчи отли бирикмалар субъект ҳаракати тарзини билдирувчи равишлар билан келганда давомийлик ва тугалланганлик комбинациясини ҳосил қилади. Итератив аспектвал семантика ҳол вазифасидаги микдор кўрсаткичлари ва *seldom, often, usually*, ва б.қ равишлар ёрдамида ифодаланади. Ўзбек тилида эса чегараланган ҳаракат феъллар *қол, ол, ет, кел, кет, бор* кўмакчилари билан ўтган замон шаклида тугалланганликни ҳосил қилади. Бу каби ҳолатларда, яъни аналитик бирикмалар ҳосил қиладиган аспектвал маънолари етакчи феъл семантикаси билан кўмакчи феъл маъноларининг уйғунлашуви натижасида юзага келади. Баъзи йўналма ҳаракат феъллари кўмакчи феъллар билан итератив аспект вазиятларини юзага келтиради. Ҳаракатнинг бошланиши (ингрессив АВ) инглиз тилида *to start, to set off, to set out, to depart* феъллари билан юзага келса, ўзбек тилида *жўнамоқ, отланмоқ* феъллари ва *йўлга тушмоқ, йўл олмақ* кўшма феъллари билан ифодаланиши мумкин. Умуман олганда инглиз тилида ҳам ўзбек тилида ҳам чегараланган семантикага эга бўлган феъллар ифодалайдиган аспектвал вазиятлар бир-бирига яқин. Лекин, инглиз тилидаги чегараланган хусусиятли феъллар билдирадиган аспектвал маъно контекстдаги тўлдирувчининг микдори, ўрин-пайт ҳолларига ва феълнинг семантикасига қараб ҳосил бўлади. Г.Г.Почепцов ҳаракат феълларини семантикасини таҳлил қилар экан қуйидаги мулоҳазани келтиради: «макон йўналишли феъллар билан келадиган ўрин ҳоли, феъл маъноларининг а) ўз ўрни б) юриш-ҳаракатнинг йўналиши в) якуний г) юриш-ҳаракатнинг бошланғич пункти каби структур-семантик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқликка эга» (Почепцов, 1976; 46-47). Ўзбек тилидаги аспектвал семантика феъл семантикасидан ташқари кўмакчи феълларнинг семантикасига ҳам боғлиқ. Кўмакчи феълларнинг семантикаси бошланғичлик, терминативликнинг ҳам турли (тасодифан, бирдан, натижага эришилиш), итератив белгиларини юзага келтиради. Демак, феъл лексемалари семантикаси билан бир вақтда кўмакчи феълларнинг акционал семантикаси «асспектвал имкониятга етарли даражада таъсир эта олиши» мумкин (Насилов, 1989: 171).

Инглиз тилида ҳам ўзбек тилида ҳам чегараланган хусусиятли феъллар ҳар қандай ҳолатда ўзларининг чегараланганлик хусусиятларини сақлаб қолади. Ушбу гуруҳ феълларининг шу хусусияти лимитатив нейтрал ва чегараланмаган феъллардан ажратиб туради.

Инглиз тилидаги чегараланган / чегараланмаган ҳаракат феъллар ўзларининг акционал хусусиятларини ноаниқ ўткан замон шаклида тўла намоён қилади. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларнинг акционал хусусиятларини аниқлаш учун яқин ўтган замон шаклига мурожат қилиш мумкин. Умуман иккала тилдаги чегараланган хусусиятли феъллар ўткан замон шаклида терминатив аспектвал вазият ифодалаш билан бошқа акционал гуруҳ феълларидан ажралиб туради. Давомли тус-замон шаклида инглиз тилидаги ҳам, ўзбек тилидаги ҳам чегараланганлик хусусиятли ҳаракат феъллар замон категорияси билан узвий боғланиб чегарага интилган процессуаллик хусусиятга эга бўлади. Инглиз тилидаги чегараланган хусусиятли ҳаракат феълларнинг баъзи аспектвал

вазятлари контекстдаги локативлик позицияси ва предлогларга боғлиқ бўлса, ўзбек тилида кўпгина аспектиал вазятларнинг ифодаланишига кўмакчи феълларнинг семантикасини таъсири катталиги ойдинлашади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бондарко А.В. Вид и время русского глагола. М., 1971. 239 с.
2. Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии: Акциональность. Л., 1989. 208 с.
3. Жолотов С.И. Структура лексико-семантической группы английских глаголов определенно-направленного перемещения в пространстве // Морфологические и семантические проблемы слова как номинативной единицы. Горький, 1988. С. 65-73.
4. Почепцов Г.Г. Синтагматика английского слова. Киев. 1976. 107 с.
5. Қиличев Р. Феълни қиёсий ўрганишга оид масалалар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1990. № 4. –Б. 67-71
6. Abduraximova F.K. Modern approaches and methods in teaching English language. - "Экономика и социум" №1(92)-1 2022
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=hXRYYwIAAAAJ&citation_for_view=hXRYYwIAAAAJ:W7OEmFMylHYC
7. Fayzullayeva M.B. O'tkir hoshimov asarlarida "ona" va "ayol" obrazlari talqini. "Экономика и социум".
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=9NS0PMkAAAAJ&citation_for_view=9NS0PMkAAAAJ:5nxA0vEk-isC
8. Jaxonovna S.S. Features of semantic and stylistic transformations of stable word combinations. - International Journal of Early Childhood Special Education, 2022.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=lpUNsSYAAAAJ&citation_for_view=lpUNsSYAAAAJ:MXK_kJrxJIC.
9. VZX Rakhmatova Madina Sobirovna. The challenge of identifying pupils' independent work in teaching foreign language. Tamaddun nuri / the light of civilization ISSN 2181-8258 2024-yil, 4-son.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=wUFDHYAAAAJ&citation_for_view=wUFDHYAAAAJ:ufrVoPGSRksC